

К.Халмуратов Құнғирот тумани ҳокими лавозимиға тайинланди


17-октябрь куни халқ депутатлари Құнғирот тумани Кенгашининг навбатдан ташқары 17-сессияси бўлиб ўтди.

Сессия кун тартибида ташкилий масала кўриб чиқилди.



Сессия ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг ўринбосари А.Давлетов иштирок этиб, туманни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, айниқса, бугунгидай синовли даврда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оиласаларни қўллаб-қувватлаш бўйича илгари сурилган вазифаларга батафсил тўхталиб ўтди ва туман ҳокими лавозимиға шу кунгача Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келган Халмуратов Каллибек Жолдасбаевичнинг номзодини таклиф қилди.

Таклиф қилинган номзодни туман Кенгашининг бир қатор депутатлари қўллаб-қувватлаб сўзга чиқди.






Image not found or type unknown

Маълумот учун, К.Халмуратов ўтган йиллар давомида Қораўзак тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, Кегейли тумани ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Саноатнинг базавий тармоқларини ривожлантириш стратегиялари масалалари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазири, Қорақалпоғистон Республикаси давлат солик бошқармаси бошлиғи каби масъулятли лавозимларда фаолият юритган.